

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ТОШКЕНТ
ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

ЭРКИНОВ ЗОКИРЖОН ЭРКИНБОЙ ЎҒЛИ

**ПИШИТИЛГАН ИП ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ИП СИФАТИНИ
ЯХШИЛАШ**

**05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по техническим наукам
Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy
(PhD) on Texnics Science**

Эркинов Зокиржон Эркинбой ўғли Пишитилган ип ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш орқали ип сифатини яхшилаш	3
Эркинов Зокиржон Эркинбой ўғли Улучшение качества крученой нити путём усовершенствования технологии её производства.....	19
Erkinov Zokirjon Erkinboy o'g'li Improving the quality of the twisted yarn by improving its production technology	35
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	39

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ТОШКЕНТ
ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ЭРКИНОВ ЗОКИРЖОН ЭРКИНБОЙ ЎҒЛИ

ПИШИТИЛГАН ИП ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ИП СИФАТИНИ
ЯХШИЛАШ

05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

3

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/T142 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасининг www.titli.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларида жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Жуманиязов Кадам

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Муқимов Мирабзал Мираюбович техника фанлари доктори, профессор

Юлдашев Жамшид Қамбаралиевич
техника фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.T.08.01 рақамли илмий кенгашнинг «29» сентябр 2017 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси – 5,

(+99871)- 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (13 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси 5, тел. (+99871)- 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2017 йил «16» сентябрда тарқатилди.

(2017 йил «16» сентябрдаги 13 рақамли реестр баённомаси).

М.Т.Хожиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раис ўринбосари, т.ф.д., профессор

А.З.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., профессор

С.Ш.Ташпулатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
хузуридаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

4

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тўқимачилик саноати инсонлар моддий ва ижтимоий фаровонлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда тўқимачилик саноатида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда юқори даражадаги ўсиш кузатилмоқда. Дунё тўқимачилик саноатида пахта тола-67%, кимёвий тола ишлаб чиқариш 20%, жун тола-10%, луб толалар-1,6% ва бошқалар-1,4% ташкил этмоқда. Тўқимачилик саноати жадал суръатларда ривожланаётган асосий ҳудудларга Шарқий Осиё, Жанубий Осиё, МДХ, Европа ва АҚШни киритиш мумкин¹.

Мустақиллик йилларида республикамизда тўқимачилик матолари ишлаб чиқариш ва уларни тайёр маҳсулотгача етказиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланиш масалаларини комплекс ҳал этиш енгил саноатни ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун зарур иплар туркумига кирувчи пишитилган ип ишлаб чиқариш учун замонавий, серунум техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этишга тобора кўпроқ эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017– 2021 йилларда ривожлантиришга қаратилган бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири енгил саноат корхоналарини модернизация қилиш ҳисобига уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, маҳаллий хом-ашё

ресурсларидан унумли фойдаланиш асосида соҳани ривожлантириш лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Жаҳон амалиётида пахта толали иплардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ип йиғириш, пишитиш, пардозлаш ва бўйаш технологик жараёнларига таъсир этадиган муҳим омилларни аниқлаган ҳолда янги техника ва технологиялардан кенгроқ фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада мақсадли илмий-тадқиқотларни, жумладан, қуйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади: пахта толали иплардан пишитилган иплар тайёрлаш жараёнини такомиллашган технологиясини ишлаб чиқиш; якка ипларни пишитишга тайёрлаш ва пишитишнинг комплекс технологиясини ишлаб чиқиш; мавжуд пишитиш жиҳозларидан унумли фойдаланиш бўйича технологик регламентлар ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сон «2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ва 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692-сон «Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада

¹<https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira/>

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда якка ипларни пишитишга тайёрлаш ва пишитиш бўйича муаммолар, икки ва ундан ортиқ якка ипларни қўшиб пишитиш жараёнларининг назарий масалалари, ипларни пишитиш технологиясини такомиллаштириш, унинг янги усулларини яратиш, пишитилган ип хоссаларини лойиҳалаш, якка ипларнинг хосса кўрсаткичларини пишитиш жараёнига ва олинадиган пишитилган иплар сифатига таъсири масалалари бир қатор олимлар: А.Г.Севостьянов, Ж.Бруске, С.Г.Зарецкас, В.Е.Мортон, Х.Соммер, В.А.Усенко, Г.Н.Кукин, Б.М.Чепмен, Б.М.Рыбакова, Н.Каргольм, И.К.Гютри, Р.Мередит, Дж.С.Оуэн, Р.Ауэрбах, П.Нордон, В.Вайлерс, В.А.Ворошилов, Г.В.Соколов, Ю.В.Павлов, Х.А.Алимова, Р.З.Бурнашев, Х.Х.Ибрагимов, Қ.Ж.Жуманиязов, Х.Парпиев ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Пишитилган ипларнинг хосса ва хусусиятларини ўрганиш бўйича назарий-методологик асосларини ёритувчи фундаментал масалалари билан боғлиқ тадқиқотлар бир қатор олимлар томонидан олиб борилган, жумладан, С.Г.С.Зарецкас, Г.Л.Слонимский, Э.А.Немченко, Л.А.Лувишис, Ф.Т.Пирс, Дж.Б.Спикмен, А.П.Минаков, В.С.Шедров, Х.А.Рахматулин, В.А.Светлицкий, Н.И.Алексеев, О.А.Горошко каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган ва маълум даражадаги ижобий натижаларга эришилган.

Тўқимачилик саноатининг ривожланиш кўрсаткичлари сезиларли даражада ўсаётган бўлсада, ҳали ечимини кутаётган кўплаб масала ва муаммолар мавжуд. Ҳар бир турдаги пишитилган ипларнинг шаклланиш қонунияти айрим умумий ва хусусий ҳоллардан иборат бўлади. Ушбу зарур ҳолатларни таъминлаш эса машиналарнинг қисмларини конструктив жиҳатдан тузилишини турлича қилиш йўли билан амалга оширилади. Агар хусусий ҳолларни бир-бирига ҳамда қисмларни ростлаш йўли билан уларни «универсал» даражага яқинлаштирилса, машинада (ёки қурилмада) ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган ипларнинг тури кўпая боради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД - 3 - 66 рақамли «Кўп таркибли пишитилган иплар тайёрлаш технологиясини яратиш» (2012-2014) ва ЁАЗ-ФҚ-0-24231ЁАЗ-007 рақамли «Янги ассортиментдаги мураккаб структурали пишитилган иплардан вафелли ва

6

момик сочиқ тўқима матосини олиш» (2014-2015) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пишитилган иплар ишлаб чиқаришнинг такомиллашган технологиясини яратиш асосида ип сифатини яхшилаш ва экспортбоп тўқимачилик маҳсулотлари ассортиментини кўпайтиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пишитилган ипларни ишлаб чиқариш техника ва технологиялари хусусиятларининг таҳлили ва тараққиёти ҳолатини тадқиқ қилиш асосида уларнинг асосий камчиликларини аниқлаш;

мавжуд пишитиш машиналарининг ассортимент ва технологик имкониятларини аниқлаш ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини ошириш учун технологик режимларни асослаш;

олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижалари таҳлили асосида, такомиллашган технологияда кўп қаватли пишитилган иплар ишлаб чиқариш қурилмасини яратиш;

янги пишитиш қурилмаси ишчи қисмлари математик моделларини қуриш ва технологик параметрларини асослаш;

янги пишитиш қурилмасида олинган ипларнинг физик-механик хоссаларини баҳолаш ва сифатини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пахта толали якка иплар ва улардан янги технология асосида тайёрланган пишитилган иплар, пишитиш машинаси, шарчали насадка ва урчуқ олинган.

Тадқиқотнинг предмети пишитилган ип тайёрлаш техника ва технологияси, пишитилган иплар ассортименти, пишитилган ипларнинг шаклланиш қонуниятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда тўқимачилик материалларини синаш, назарий ва амалий механика, математик статистика ва ҳисоблаш математикаси усулларида, компьютер дастурий таъминотидан фойдаланилган, ҳамда пишитилган иплар сифатини баҳолашнинг замонавий ўлчов асбоблари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахта толали тўқимачилик ипларидан пишитилган иплар ва ип буюмлари олиш бўйича тасниф такомиллаштирилган ҳамда пишитиш машиналари ва механизмларининг тузилиши бўйича янги тасниф ишлаб чиқилган;

бир босқичли усулда кўп қаватли пишитилган ип ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологияси асосида янги пишитиш қурилмаси яратилган;

янги пишитиш қурилмасининг асосий ишчи қисмларининг математик моделларида фойдаланган ҳолда унинг асосий технологик ҳамда кинематик кўрсаткичларини муқобиллаш катталиклари аниқланган;

қўшбурам пишитиш машинасида компакт иплардан тикув ипи олиш учун технологик параметрлар аниқланган ва тикув ипи олинган;

7

қўшбурам пишитиш машинасида турли ассортиментдаги пишитилган иплар олиш учун технологик параметрлар аниқланган;

янги технология асосида пишитилган ипга кам бурам бериб, бурамларни бир текис тақсимлаш орқали белгиланган хоссаларга эга турли структурадаги пишитилган иплар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: пишитилган ип қўлланилиш соҳаларини ва ипга қўйилган талаблардан келиб чиқиб уларни ассортимент имкониятларини кенгайтириш мақсадида янги пишитиш қурилмаси яратилган («Қалава ипларни эшиш учун қурилма» № FAP 00565 – 2010 й.);

янги қурилмани ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали пишитилган ип ишлаб чиқариш жараёнлари босқичи 2 баробар камайтирилган; корхоналардаги мавжуд қўшбурам пишитиш машиналарида турли ассортиментда пишитилган иплар ишлаб чиқаришда жихозларни ростлаш параметрлари асосланган;

бир босқичда кўп қаватли пишитилган иплар ишлаб чиқаришда

тарангликни ипда бурамлар тақсимланишига таъсири аниқланган;
тарангликни ростлаган ҳолда бурамларни бир текис тақсимлаш орқали
пишитилган ипларга кам бурам бериб (мавжуд технологияга нисбатан
20-25%) меъёрий талабларга мос ип ишлаб чиқарилган;

такомиллаштирилган технология асосида олинган 100% пахта толали
пишитилган иплардан пойабзал безак чоклари, бўртма нақшлар ҳосил қилиш
ҳамда астар билан асосий материалнинг бирикиш чокларида фойдаланилган;

такомиллаштирилган технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш
натижасида пишитилган ипларнинг сифат кўрсаткичини 7–12 % яхшиланган
ҳамда чиқинди миқдорини 4,5% камайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги пишитилган ипларни
тайёрлаш техника ва технологиясининг математик моделлари
қурилганлигига, улар ўрганилаётган соҳада маълум бўлган баҳолаш
мезонлари бўйича ҳисоблаш тажрибалари таҳлили ва моделлаштириш
натижаларининг тажрибавий маълумотлар билан таққослашга асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот
натижаларининг илмий аҳамияти пишитилган ип қўлланилиш соҳаларини ва
пишитилган ипга қўйилган талаблардан келиб чиқиб, ассортимент
имкониятларини кенгайтириш мақсадида пишитилган ип ишлаб чиқариш
учун янги қурилма яратилганлиги, унинг эксплуатацион кўрсаткичларини
математик моделлар ёрдамида оптималлаштирилгани, янги пишитиш
қурилмасида тарангликни таъминлаш ва бурам бериш зонасини камайтириш
орқали пишитилган ипда бурамлар бир текис тақсимланишига эришилгани
билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти янги пишитиш қурилмаси
яратилганлиги, янги қурилмада пишитилган иплар олишда технологик
жараёнлар ўтими камайганлиги, тарангликни ростлаш орқали бурамларни
бир текис тақсимланиши ва шу асосда кам бурам бериб, қурилма

8

унумдорлигини оширилиши, ипда бурамларни бир текис тақсимланишида
бурам зонасининг камайтирилганидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пишитилган ип ишлаб
чиқариш технологиясини такомиллаштириш орқали ип сифатини яхшилаш
бўйича бажарилган илмий натижалар асосида:

бир босқичли, мураккаб структурали пишитилган иплар олиш учун
ресурстежамкор янги пишитиш қурилмаси ва технологияси Наманган
шаҳрининг «Косонсой Ал-Азиз» МЧЖда жорий этилган
(«Ўзбекчармпойабзал» уюшмасининг 2017 йил 29 августдаги ШШ-9/1081-
сон маълумотномаси). Натижада пишитилган ип ассортиментининг сифат
кўрсаткичини 7–12 % га яхшиланишини, бир босқичда кўп қаватли иплар
ишлаб чиқариш орқали технологик жараёнларни 2 баробар, чиқинди
чиқишини 4,5% камайишига эришилган;

янги пишитиш қурилмасида тайёрланган пишитилган ипларни «Дамбоғ

пойабзал савдо» ишлаб чиқариш корхонасига жорий этилган («Ўзбекчармпойабзал» уюшмасининг 2017 йил 29 августдаги ШШ-9/1081-сон маълумотномаси). Натижада пишитилган ип ишлаб чиқариш машиналари ва пишитилган иплардан олинган маҳсулотларни хориждан валюта ҳисобига олиб киришни камайтириш ва маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турини кўпайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жумладан, 10 та халқаро ва 21 та республика миқёсидаги илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 44 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1 та патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар таҳлили, тадқиқот мақсади ва вазифалари**» деб номланган биринчи боби пишитилган иплар ишлаб

9

чиқариш техника ва технологиясининг тараққиёти, пишитилган иплар ассортименти ҳамда уларнинг қўлланиш мақсади каби масалалар бўйича адабиётлар таҳлиliga бағишланган. Пишитилган иплар ишлаб чиқариш машиналари тобора ривожланиб, унумдорлиги ошиб бораётганлигига қарамасдан, уларда ишлаб чиқариладиган иплар ассортименти камлиги ҳамда машиналарнинг технологик параметрларидаги камчиликлар келтириб ўтилган. Таҳлиллар натижасига кўра тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Пишитилган ипларни лойиҳалашнинг назарий асослари**» деб номланган иккинчи бобида пишитилган ипларнинг хоссаларининг тадқиқи бўйича назарий тадқиқот ишлари натижалари келтирилган. Пишитилган ипнинг зарур бўлган хусусиятларини таъминлаш


асосларини таҳлили натижасида якка ипнинг пишитиш коэффиценти билан пишитилган ип пишиклиги орасидаги боғлиқлик тадқиқи натижасида проф. К.И.Корицкий ва А.Н.Соловьевлар томонидан якка ипнинг энг юқори (критик) пишитиш коэффиценти аниқлаш учун таклиф қилган формулалари математик дастур ва мисоллар ёрдамида тадқиқ этилди.

Ҳисоблар натижасида К.И.Корицкий тавсия этган формуласи бўйича бурамлар сони $K=1031$ бур/метрга, А.Н.Соловьев формуласи бўйича $K=853$ бур/метрга тенг бўлди ҳамда бир-биридан 17% га фарқ қилди.

Қўшбурам пишитиш машинасининг ассортимент имкониятларини ўрганиш мақсадида, турли йиғириш усулида олинган якка иплардан VTS-08 пишитиш машинасида 2, 3 ва 6 қаватли пишитилган иплар олинди. Тажиба давомида ипларни пишитиш учун қўшбурам пишитиш машиналари кўрсаткичларини танлашда аниқ тавсиялар ва тажибалар ҳали етарли эмаслиги аниқланди.

Гистограммалардан (1-расм) кўринадик, чизиқий зичлиги 20×2 текс иплар учун 650 бур/метр, 20×3 текс иплар учун 550 бур/метр, 20×6 текс иплар учун асосан 350 бур/метр пишитилганда иплар энг мақбул кўрсаткичларга эга бўлди.

Маълумки, компакт ипларини тукдорлиги кам. Компакт ипининг ушбу кўрсаткичидан фойдаланиб, чизиқий зичлиги 20×3 тексли 550 бур/метр пишитилган ипдан савдо номери №30, “экстра” тикув ипи сифатида фойдаланиш бўйича синов-тажиба ўтказилди ҳамда тикувчиликда ишлатиш мумкинлиги аниқланди.



1-расм. Пишитилган ипда якка ипларни қўшилишлар сони билан нисбий пишиклик, узилишдаги узайиш ва Устер бўйича нотекислик ўртасидаги боғлиқлиги

Бу бобда шунингдек, пишитилган ва якка ипларда бурамларни ип узунлиги бўйлаб тақсимланиш нотекислиги бўйича олимлар томонидан олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар таҳлил этилди. Таҳлиллар пишитилган ипнинг тузилиши кўплаб омилларга боғлиқлигини ва уни мураккаб структурага эга бўлишини кўрсатди.

Диссертациянинг «**Янги ип пишитиш қурилмаси асосий ишчи қисмларининг назарий тадқиқи**» деб номланган учинчи бобида қўшбурам пишитиш машинасининг асосий ишчи қисмларидан пишитиш урчуғи ва тарангликни ростлаш қурилмаси назарий ва амалий тадқиқотлари таҳлил этилиб, унинг технологик имкониятлари аниқланди.

Олиб борилган тадқиқот натижасида қўшбурам пишитиш машинасида иплар бурам олиши жараёнида катта масофани босиб ўтиши натижасида пишителиётган ип назоратсиз қолиши, иплардаги таранглик турлича бўлиши ҳисобига ипга берилаётган бурам нотекис тарқалиши аниқланди.

Қўшбурам пишитиш машиналарида ипларга бериладиган бурамларни бир текис тақсимланишида тарангликни ростлаш катта аҳамиятга эгаллиги сабабли, фирмалар томонидан ҳавол урчук ичида пружинали поршендан фойдаланилган.


Лекин, пружинали поршенда чизиқий зичлик ва қўшилишлар сонида пружина бикрлиги қандай бўлиши кераклиги бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар берилмаган. Шунингдек, якка иплардаги бурамлар сони ҳам ушбу ҳолатда инобатга олинмаган.

Пишитилган иплар ишлаб чиқаришда ассортименти имкониятларини оширишнинг энг асосий талаблардан бири бу ипларни қўшилишлар сони ортиб бориши билан уларга берилаётган бурамларни бир текисда тақсимланишидир. Янги пишитиш қурилмасида кўп қаватли пишитилган ипга бурамни бир текисда тақсимлаш мақсадида ичи ҳавол урчук учига, ичига шарча ўрнатилган насадка киргизилган. Шарчанинг асосий мақсади урчук айланиши натижасида унга ўрнатилган ўрамадан ечилиб чиқаётган қўшилган ипларга берилаётган бурамни бир текисда тақсимлаб бериш ва тарангликни таъминлашдан иборат.

Ушбу бобда янги пишитиш қурилмасида урчук учига ўрнатилган шарчали насадка иши назарий тадқиқ этилган. Насадка ичига жойланган

шарча (2-расм) маълум массага эга ва урчук айланиши ҳисобига у ҳам ҳаракатланади.


Шарчанинг ҳаракатини назарий тадқиқотлар орқали дастлаб шарчага фақат ўзига тегишли кучларнинг таъсири ўрганилди.



1-насадка корпуси, 2-шарча

2 - расм. Шарчали насадка

Олиб борилган назарий тадқиқот натажасида шарчанинг айланиш бурчагини вақт бўйича бошланғич бурчакнинг турли қийматларига боғлиқлиги графиклари олинди (3-расм).



3-расм. Шарчанинг айланиш бурчагини вақт бўйича бошланғич бурчакнинг турли қийматларига боғлиқлиги

кўтарилиши

Графиклардан (3-расм)

φ_0 бурчак ошгани сари шарчанинг бурчаги ва шунга мутаносиб равишда кўтарилиш вақти камайганлигини кўришимиз мумкин.

Оғирлик маркази атрофида шарчани бурилиш бурчагининг ўзгариш қонунияти қуйидаги тенглама билан ифодаланади:


$$\frac{b}{b} \phi \phi \ln^1 () ch t$$

$$\frac{\gamma \phi \gamma \phi \gamma}{\gamma} = {}_0 + {}_2 \ln = {}_0 + \ln = {}_0^+ (1)$$

$$\gamma \quad ch t \quad ab \quad ch t \quad a$$


$$T^{\mu\bar{\nu}}\phi\otimes_{np}=$$
$$T T m r^f$$
 ω

φ га интилиши кузатилади. Бу қонуният синов тажриба қиймати $\omega = \phi \approx \omega_{np}$ га мос келади.



1 - $\gamma = 0.5$, 2 - $\gamma = 0.75$, 3 - $\gamma = 1.25$, 4 - $\gamma = 1.5$, 5 - $\gamma = 2.0$, 6 - $\gamma = 2.25$, 7 - $\gamma = 2.5$

4-расм. Вақтга нисбатан шарча бурчак тезлигининг ўзгариш боғлиқлиги (1-формулага асосан)



1 - $\gamma = 0.5$, 2 - $\gamma = 0.75$, 3 - $\gamma = 1.25$, 4 - $\gamma = 2.5$

5-расм. Ипнинг кирувчи таранглигини чиқувчи тарангликга боғлиқ ҳолда вақт бўйича ўзгариши (3-формулага асосан)


5- расмда ип таранглиги $T_{сб}/T_{нб}$ ўзгаришини параметр - γ нинг турли қийматларида вақт - t бўйича ўзгариши келтирилган. Графиклардан кўринадикки, параметр γ қиймати чегаравий ўртиши билан ипнинг таранглик

13

T_{np} тарангликка тезроқ эришади. Ўз навбатида шарчанинг айланиши стационар бўлади ва бу ип бўйлаб бурамни бир текис тақсимланишини таъминлайди.

Диссертациянинг «**Пишитилган ип олиш технологиясини такомиллаштириш бўйича тажрибалар**» деб номланган тўртинчи бобида янги пишитиш қурилмасини тайёрлаш, унда пишитилган иплар тайёрлаш бўйича дастлабки тажрибалар ўтказиш ва уларнинг натижалари асосида рототабелли марказий композицион тўла омили тажрибалар ўтказишга бағишланган.

Олиб борилган таҳлиллар, амалий ва назарий тадқиқотлар натижаларига асосан янги пишитиш қурилмасининг технологик тасвири тузилди (6-расм) ва шу асосда пишитиш қурилмаси тайёрланди.



- 1- таъминланаётган ип;
- 2- йўналтиргич;
- 3- шарчали насадка;
- 4- урчуқ билан бирга айланаётган ип ўрами;
- 5- 11- 14- тасмали узатма;

- 6- ичи хавол урчук;
- 7- курилма рамаси;
- 8- 12- электродвигател;
- 9- пишитилган ип;
- 10-тортувчи жуфтлик (цилиндр ва валик);
- 13- ўровчи барабан;
- 15- пишитилган ип ўрами

6-расм. Янги пишитиш қурилмаси технологик чизмаси


Янги пишитиш қурилмасида дастлабки синов-тажрибалари ўтказилди. Тажриба натижасида олинган чизиқий зичлиги 37х6 текс пишитилган ипнинг физик-механик хосса кўрсаткичлари аниқланиб, қўшбурам пишитиш машинасида олинган пишитилган ип билан солиштирилди (7-расм).

Тажрибавий ипда бурамлар сони кам бўлсада, нисбий пишиқлиги сезиларли даражада юқори бўлди.

Қўшбурам пишитиш машинасида олинган ипга нисбатан янги қурилмада олинган пишитилган ипларнинг узилишдаги узайиши кичик бўлишига қарамасдан бурамлар сони ортишига мутаносиб равишда чизиқли ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Янги қурилмада ипнинг бурам олиш масофаси 470мм бўлиб, бу масофа қўшбурам пишитиш машинасиники (1200мм)га нисбатан 2,6 маротаба кам.

Олинган тажрибавий ипларда бурамларнинг бир текис тақсимланиши сабабли, қўшбурам пишитиш машинасида олинган пишитилган ипларга нисбатан уларнинг хосса кўрсаткичлари юқорилигини изоҳлаш мумкин.

14



1-янги қурилмада олинган ва 2-қўшбурам пишитиш машинасида олинган ипнинг нисбий пишиқлиги; 1¹-янги қурилмада олинган ва 2¹-қўшбурам пишитиш машинасида олинган ипнинг узилишдаги узайиши,

а, б, в - мос равишда бурамлар сони(янги қурилмада 130, 210, 300 бур/метр; қўшбурам пишитиш машинасида 250, 350, 450 бур/метр).

7-расм. Пишитилган ипда бурамлар сони ортиши билан хоссаларининг ўзгариши

Ўтказилган дастлабки тажриба натижаларига асосан шарчали насадка

ишчи параметрларини оптималлаш учун белгиланган тартибда ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват тавсифловчи қуйидаги регрессия тенгламалари олинди:

- пишитилган ипда бурамлар тақсимланиш нотекислиги, %

$$Y = 5,9 - 0,36x_1 + 0,28x_2 - 0,89x_1x_2 + 0,76x_1^2 + 0,76x_2^2 = + - + + \quad (4)$$

- пишитилган ипнинг нисбий узиш кучи, сН/текс


$$Y = 12,8 - 0,47x_1 + 0,37x_2 + 1,28x_1x_2 + 1,07x_1^2 - 1,07x_2^2 = + + - - \quad (5)$$

Ўтказилган амалий ва тўлиқ факторли тажрибалар натижасида олинган регрессия тенгламаларининг аналитик ечимлари ечилишида олинган боғлиқлик графиклари таҳлили шуни кўрсатдики, шарчали насадкада шарча массаси $x_1 = 8,0$ грамм, насадка ички сфера юзаси диаметри $x_2 = 10,0$ мм бўлганда ипда бурамлар тақсимланиши бир текис бўлиши ва бунинг натижасида ипнинг нисбий узиш кучи энг катта қийматга эришиши аниқланди.

Янги қурилмада олинган турли ассортиментдаги пишитилган ипларнинг физик-механик хоссалари, сифат кўрсаткичи синовлари натижасида иплар мавжуд технология асосида қўшбурам пишитиш машинасида олинган ипларга нисбатан кам бурам берилганда ҳам белгиланган стандарт талабларга жавоб бериши аниқланди.

Янги пишитиш қурилмаси ва қўшбурам пишитиш машинасида олинган чизиқий зичлиги 37х3 ва 37х6 тексли, турли бурамлардаги ипларнинг нисбий узиш кучи таққосланди (8-расм).

Гистограммадан (8-расм) кўринадики, янги пишитиш қурилмасида олинган ипларда бурамлар сони 400 бур/метр (8-расм, а) ва 300 бур/метр (8-расм, в), қўшбурам пишитиш машинасида эса 550 бур/метр (8-расм, б) ва 350 бур/метр (8-расм, г) бўлганда ипнинг нисбий узиш кучи юқори бўлди.



а-37х3 ва в-37х6 тексли янги пишитиш қурилмасида б-37х3 ва г-37х6 тексли

8-расм. Тажрибавий пишитилган ипларнинг нисбий узиш кучи гистограммаси

Ип узунлиги бўйлаб бурамларнинг тақсимланиш нотекислиги асосий кўрсаткичлардан ҳисобланиб, муҳим амалий аҳамиятга эга. Янги пишитиш қурилмасида пишителиётган ипларнинг таранглигини таъминлаш ва бурам зонасини камайтириш (мавжуд технологияга нисбатан 2,6 марта) орқали қўйилган мақсадга эришилди.

Тажриба учун олинган 20 ва 37 тексли якка иплар «POP FEN» қўшма корхонасида оддий йиғириш тизимида ҳалқали усулда йиғирилган. Қурилмада олинган 20х3/2, 20х6/2, 20х9/1, 20х9/2, 37х3/1, 37х9/1, 37х9/2 ва 37х12/1 вариантдаги иплар нисбий узиш кучи якка ипникига нисбатан юқори бўлиш билан бирга вариация коэффициентлари ҳам кичик шу сабабли ҳисоблашлар натижасига кўра, ушбу ипларнинг сифат кўрсаткичлари юқори бўлди.

Юқоридаги тажриба синовлар натижасига кўра, чизиқий зичлиги 20х3 текс пишитилган иплар учун 400 бур/метр, 20х6 учун 310 бур/метр, 20х9 учун 200-250 бур/метр, 20х12 учун 150 бур/метр, 37х3 учун 350 бур/метр, 37х6 учун 300 бур/метр, 37х9 учун 150-230 бур/метр, 37х12 учун 130 бур/метр бурамлар сони муқобил ҳисобланади ва янги қурилмада ушбу ассортиментдаги иплар ишлаб чиқаришда тавсия этилади.

Диссертациянинг «**Янги пишитиш қурилмасининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш**» деб номланган бешинчи бобида янги пишитиш қурилмасини ишлаб чиқаришга жорий этишдан олинadиган йиллик иқтисодий самарадорлик ҳисобланди.

Янги пишитиш қурилмасини ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали олинadиганиқтисодий самарадорлик 1та машина учун йилига 78636,0 минг сўмни ташкил этди.

Янги технология асосида пишитиш қурилмасида олинган ипларни «Косонсой Ал-Азиз» масъулияти чекланган жамияти ва «Дамбоғ пойабзал савдо» ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқаришда синовдан ўтказилди ва жорий этилди. Синов натижасига кўра, корхона қуввати ойига 10000 дона болалар пойабзали бўлганда янги технология асосида олинган чизиқий зичлиги 20х3 ва 20х6 текс бўлган пахта толали пишитилган иплардан

16

фойдаланиш орқали йиллик 2880,0 минг сўм ва эркаклар поябзалларида 5640,0 минг сўм иқтисодий самарадорликка эришилди.

ХУЛОСА

«Пишитилган ип ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш орқали ип сифатини яхшилаш» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари қуйидагилардан иборат: 1. Пишитиш машиналари ва пишитиш механизмларининг тузилиши бўйича

янги тасниф таклиф этилган. Пахта толали тўқимачилик ипларидан пишитилган иплар ва ип буюмлари олиш бўйича тасниф такомиллаштирилган.

2. Назарий тадқиқотларга амал қилган ҳолда якка ва пишитилган ипларда бурамлар ва якка ипларнинг қўшилишлар сони, бурам йўналиши мутаносиб тарзда танланиб, пишитиш жараёнида таранглик бир ҳилда бўлиши таъминланганда, пишитилган ипда бурамлар бир текис тақсимланишига эришилди. Бунинг натижасида ипларга белгиланган ҳоссаларни бериш учун пишитишда бурамлар сонини 20-25 %гача камайтиришга эришилган.
3. Янги пишитиш қурилмаси («Қалава ипларни эшиш учун қурилма» № FAP 00565)да тарангликни ростловчи ва бурамни бир текис тақсимловчи шарчали насадка иши назарий тадқиқига кўра, шарчанинг мувозанат ҳолати, шарчанинг ип билан биргаликда ҳаракат тенгламалари тузилган.
4. Такомиллашган технология асосида янги қурилмада ипнинг бурам олиш масофаси 470мм бўлиб, бу масофа кўшбурам пишитиш машинасиники (1200мм)га нисбатан 2,6 маротаба камайтириш ҳисобига пишитилаётган ипда тарангликни ва бурам бир текис тақсимланишини назорат қилишга эришилган.
5. Янги пишитиш қурилмасида ишчи қисмлари кўрсаткичларини муқобиллаш мақсадида ўтказилган тўла омилли тажриба натижаларига кўра, шарчали насадкада шарчанинг массаси 8,0 грамм ва насадка ички сфера юзаси диаметри 10,0 мм бўлганда, бурамлар тақсимланиши нисбатан бир текис бўлганлиги аниқланган.
6. Олиб борилган амалий тажрибалар назарий тадқиқотлар натижаларини тасдиқлади. Тадқиқотлар натижаларига кўра, янги пишитиш қурилмасида турли ассортиментдаги пишитилган иплар ишлаб чиқариш учун қурилмани ростлаш параметрлари тавсия этилган.
7. Такомиллашган технология асосида таклиф этилаётган янги қурилмада таъминланаётган ўрамни урчуқ ёрдамида ўз ўқи атрофида айланиши ҳисобига бурам берилади. Бу мавжуд технологик жараёнлардан фарқ қилганлиги сабабли янги қурилмада турли структура ва ассортиментдаги пишитилган иплар ишлаб чиқариш имконияти ошишига эришилган.

8. Янги пишитиш қурилмасини ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали 1та машинага йиллик 78636,0 минг сўм иқтисодий самарадорликка эришилди. Янги технология асосида ишлаб чиқарилган ипларни ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали болалар пойабзали ишлаб чиқариш корхонасида йиллик 2880,0 минг сўм, эркаклар поябзалларида 5640,0 минг сўм иқтисодий самарадорликка эришилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.T.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ
ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

ЭРКИНОВ ЗОКИРЖОН ЭРКИНБОЙ ЎҒЛИ

**УЛУЧШЕНИЕ КАЧЕСТВА КРУЧЕНОЙ НИТИ ПУТЁМ
УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ТЕХНОЛОГИИ ЕЁ ПРОИЗВОДСТВА**

**05.06.02- Технология текстильных материалов и первичная
обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2017

19

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.PhD/T142.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.titli.uz и Информационно образовательном портале «Ziynet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: Жуманиязов Кадам

доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Мукимов Мирабзал Мираюбович доктор

технических наук, профессор

Юлдашев Жамшид Қамбаралиевич

кандидат технических наук

Ведущая организация: Джизакский политехнический институт

Защита диссертации состоится «29» сентября 2017 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности. (Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон-5. Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2 этаж, 222-аудитория. тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована № 13). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «16» сентября 2017 года.
(реестр протокола рассылки № 13 от «16» сентября 2017 года).

М.Т.Хожиев

Заместитель председателя научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

А.З.Маматов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

С.Ш.Ташпулатов

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.т.н., профессор

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире текстильная промышленность имеет огромное социальное значение в материальном благосостоянии людей. В настоящее время в текстильной промышленности просматривается сдвиг в сторону отраслей конечных производств. Структура текстильной промышленности выглядит следующим образом: хлопчатобумажная – 67%, производство химических волокон – 20%, шерстяная – 10%, льняная – 1,6%, другие – 1,4%. Текстильная промышленность более быстрыми темпами развивается в пять главных регионов: Восточная Азия, Южная Азия, СНГ, Зарубежная Европа и США².

В годы независимости в развитии легкой промышленности в республике важное значение имеет производство текстильных полотен и доведение их до изготовления готовой продукции, внедрение новой техники и технологии, а также, комплексное решение задач по эффективному использованию местного сырья. Все больше внимание уделяется внедрению в производство современной, высокопроизводительной техники и технологии для изготовления крученой пряжи, необходимой для производства текстильной продукции. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы указана необходимость повышения конкурентоспособности одного из основных отраслей национальной экономики легкой промышленности как ведущей направлений за счет модернизации предприятий и развитие отрасли на базе переработки местных сырьевых ресурсов.

В мировой практике для производства готовых изделий из хлопковой пряжи особое значение имеет широкое применение новой техники и технологии с учетом главных факторов, воздействующих на процессы прядения, кручения, отделки и крашения. В связи с этим осуществление целенаправленных научных исследований является одной из важных задач, в том числе, в следующих направлениях: разработка усовершенствованной технологии процесса получения крученой пряжи из одиночной хлопчатобумажной пряжи; разработка комплексной технологии подготовки одиночных нитей к кручению и кручения; разработка технологических регламентов по эффективному использованию существующего оборудования для кручения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-2687 от 21 декабря 2016 года «О программе мер по дальнейшему развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности на 2017-2019 годы» и Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-2692 от 22 декабря 2016 года «О дополнительных мерах по ускоренному обновлению физически изношенного и морально устаревшего оборудования, а также сокращению

²<https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira/>

производственных затрат предприятий отраслей промышленности», Указом президента №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также, в других нормативно-правовых документах принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II.«Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. К настоящему времени вопросы по подготовке и кручению одиночных нитей, теоретические вопросы процесса кручения двух и более одиночной пряжи, вопросы совершенствования технологии кручения пряжи, разработки новых способов, проектирования свойств крученой пряжи, воздействия свойств одиночной пряжи на процесс кручения и на качество выработанной крученой пряжи рассмотрены в научных работах ряда ученых: А.Г.Севостьянова, Ж.Бруске, С.Г.Зарецкаса, В.Е.Мортон, Х.Соммера, В.А.Усенко, Г.Н.Кукина, Б.М.Чепмен, Б.М.Рыбакова, Н.Каргольм, И.К.Гютри, Р.Мередит, Дж.С.Оуэна, Р.Ауэрбаха, П.Нордона, В.Вайлерса, В.А.Ворошилова, Г.В.Соколова, Ю.В.Павлова, Х.А.Алимовой, Р.З.Бурнашева, Х.Х.Ибрагимова, Қ.Ж.Жуманиязова, Х.Парпиева и других ученых.

Фундаментальные работы, освещающие теоретико-методологические основы по изучению свойств и особенностей крученых нитей проводились такими учеными как, С.Г.С.Зарецкас, Г.Л.Слонимский, Э.А.Немченко, Л.А.Лувишис, Ф.Т.Пирс, Дж.Б.Спикмен, А.П.Минаков, В.С.Шедров, Х.А.Рахматулин, В.А.Светлицкий, Н.И.Алексеев, О.А.Горошко которыми получены определенные положительные результаты.

Необходимо отметить, что несмотря на существенное развитие текстильной промышленности, ещё существует множество вопросов и проблем, требующих решения. Закономерность формирования крученой пряжи каждого вида состоит из общих и частных условий. Обеспечения этих необходимых условий осуществляется путем конструктивного изменения деталей этих машин. Если приблизить частные условия, а также, унифицировать детали путем настроек, то увеличивается ассортимент нитей, вырабатываемых на машине (или устройстве).

Связь диссертационного исследования с планом научно исследовательских работ высшего образовательного или научно исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно исследовательских работ Наманганского инженерно-технологического института по прикладным проектам: ИТД - 3 - 66 «Разработка технологии выработки многоструктурной крученой пряжи» (2012-2014) и ЁАЗ-ФҚ-0-24231 ЁАЗ-007 «Выработка вафельных и мохровых полотен из новой многоструктурной крученой пряжи» (2014-2015).

Целью исследования является улучшение качества продукции и увеличение ассортимента экспортной текстильной продукции на основе создания усовершенствованной технологии выработки крученой пряжи.

Задачи исследования:

определение основных недостатков техники и технологии выработки крученых нитей на основе анализа и изучения их особенностей и состояния развития;

определение ассортиментных и технологических возможностей существующих крутильных машин, а также обоснование технологических режимов для повышения их эксплуатационных способностей;

разработка устройства для выработки многослойной крученой пряжи на основе анализа результатов проведенных теоретических и практических исследований;

